БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши
№ 208 (3180).
23 октябрь
ШАНБА
1965 йил
Баҳоси 2 тийин

Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

## Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин абадий барҳаёт, ҳамиша зафарли революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга, КПСС Программасини бажаришга сафарбар этингиз!

Яшасин Коммунистик партиянинг ленинча бош йўли!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирингиз!

6. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга алангали салом!

7. Яшасин бутун дунё ишчилар синфи! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

8. Яшасин халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми, Москва кенгашларининг Декларацияси ва Баёноти асосидаги бирлиги ва жипслиги!

9. Социализм мамлакатларининг халқлари, миллий озодлик кураши олиб бораётган халқлар, бутун дунё меҳнаткашлари! Империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ўз куч-ғайратларингизни бирлаштирингиз!

10 Жаҳон халқлари! Шармандали мустамлакачилик қуллиги системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун, империализмга қарамликнинг ҳамма формаларига қарши, ирқий жабр-зулмга қарши курашингиз!

11. Барча мамлакатларнинг халқлари! Уруш оловини ёқувчи империалистларнинг кирдикорларини фош қилингиз! Ёппасига ва батамом қуролсизланиш, ядро қуролини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, бутун дунёда тинчлик учун курашни кучайтирингиз!

12. Жаҳон халқлари! Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенциясини ва унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатиш учун курашингиз! АҚШ қуролли кучларининг Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз!

Қаҳрамон Вьетнам халқи билан халқаро бирдамлик кенгая берсин ва мустаҳкамлана берсин!

13. Жаҳон халқлари! Империалистларнинг НАТОда кўп томонли ядро кучлар барпо этиш планларига қарши, Ғарбий Германия реваншчиларининг ядро қуролига шерик қилинишига қарши курашингиз!

14. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиядаги реваншчи ва милитарист кучларнинг жиловлаб қўйилишини, нацист ҳарбий жиноятчиларнинг қаттиқ жазоланишини, Германия билан сулҳ шартномаси тузилишини талаб қилингиз!

15. Яшасин халқаро ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг энг буюк ғалабаси — жаҳон социалистик системаси!

Барча социализм мамлакатлари халқларининг жипслиги, қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамлана берсин!

16. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой улуғ халқларининг империализм ва мустамлакачиликка қарши, социализм, тинчлик ва миллий мустақиллик учун курашдаги жипслиги!

17. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва албан халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлана берсин!

18. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган, Америка агрессорларига қарши, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва хамкорлик!

21. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

22. Социализм қураётган ,ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва Куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Куба Республикаси!

24. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Руминия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига кардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва хамкорлик!

28. Социализм қураётган Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва югослав халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Мустақил, миллий, демократик давлатни барпо этаётган, ўз мамлакатини социалистик асосда ривожлантириш учун курашаётган Бирлашган Араб Республикасининг халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

30. Мустақил миллий давлатни барпо этаётган, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган қаҳрамон Жазоир халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

31. Мустақил, демократик давлат учун, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган Бирма халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Бирма халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

32. Мустақил, миллий, демократик давлатларни барпо этаётган, ўз мамлакатларининг социал тараққиёти учун курашаётган Гана, Гвинея, Конго (Браззавиль) ва Мали халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи халқлари билан Гана, Гвинея, Конго ва Мали халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

33. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

34. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

35. Америка империализмининг қуролли интервенциясига қарши ва халққа душман бўлган сотқин режимга қарши, ўз ватанини демократик асосларда бирлаштириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнамнинг мард халқига қизғин салом!

36. Америка қўшинларини чиқартириб юбориш учун, ўз ватанини тинч йўл билан қайта бирлаштириш учун курашаётган Жанубий Кореянинг мард халқига қизғин салом!

37. Тинчлик учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Камбоджа, Лаос, Непал ва Цейлон халқларига қизғин салом!

38. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлана берсин!

39. Мустамлакачиликни батамом тугатиш, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

40. Империализмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Арабистон халқларига қизғин салом!

41. Мустамлакачилик ва империализмга қарши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, миллий экономика ва маданиятни ривожлантириш учун курашаётган Африка давлатлари халқларига қизғин салом!

42. Ички ва ташқи реакцияга қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган Конго халқига қизғин салом!

43. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Ангола, Мозамбик, Португалия Гвинеяси, Жанубий Родезия ва Жанубий Африка халқларига қизғин салом!

44. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

45. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

46. Совет халқи билан Греция ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

47. Совет халқи билан Эрон, Покистон ва Туркия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

48 Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва прогрессив кучларига қизғин салом!

49. Фашист режимларига қарши, демократик эркинликлар учун мардона курашаётган Испания ва Португалия халқларига қардошлик саломи!

50. Яшасин Совет Иттифоқи билан Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва хамкорлик!

51. Фин халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлана берсин!

52. Совет халқи билан Дания, Исландия, Норвегия, Швеция, Бельгия ва Голландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

53. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши курашаётган япон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Япония халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

55. Яшасин ғалабалар билан шухрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

56. Совет жангчилари! Армиянинг ва флотнинг қаҳрамонона традицияларини муқаддас сақлангиз ва кўпайтирингиз, жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришингиз, ҳушёр бўлингиз ва ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

57. Совет социалистик давлатининг бузилмас негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва равнақ топа берсин!

58. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги абадий яшасин ва яшнай берсин!

59. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашаётган коллективлар ва зарбдорларга шон-шарафлар!

Ишлаб чиқаришнинг барча илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

60. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг негизи бўлган социалистик мулкни мустаҳкамлангиз!

61. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун, социалистик саноатни янада юксалтириш учун курашингиз!

62. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва капитал маблағларнинг самарасини оширингиз, асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқроқ фойдаланингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!

63. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Технология ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлангиз, хўжалик ҳисобини ривожлантирингиз, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширингиз!

64. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини оширингиз! Маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун курашингиз!

65. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ихтисослаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз. фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилингиз!

66. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Моддий ресурслар ва давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга эришингиз! Хўжасизликка, ортиқча харажатларга ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

67. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

68. Совет энергетиклари, электр станциялари ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Энергетикани ғоят тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини пасайтирингиз!

69. Машинасозлик ва приборсозлик саноати ходимлари! Техникани тараққий эттириш учун, халқ хўжалигини энг янги машиналар ва приборлар билан таъминлаш учун курашингиз!

70. Нефть ва газ саноати ходимлари! Нефть ва газ чиқаришни кўпайтирингиз! Янги нефть ва газ конларини тезроқ ўзлаштирингиз!

71. Химия саноати ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш мақсадида химия маҳсулотлари тайёрлаб беришни кўпайтириш ва шу маҳсулотлар сифатини ошириш учун курашингиз! Қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини кўпроқ берайлик!

72. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликларини тезроқ очиб берингиз!

73. Кўмир саноати ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтирингиз, унинг таннархини камайтирингиз! Кончилик техникасидан яхшироқ фойдаланингиз!

74. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг суръатини ва сифатини оширингиз! Шаҳар ва қишлоқлардаги ишлаб чиқариш, уй-жой, коммунал ва маданий-маиший объектларни тезроқ фойдаланишга топширингиз!

75. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Бинокорлик материаллари, буюм ва конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, сифатини оширингиз!

76. Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

77. Енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати ходимлари! Саноат ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, хилларини яхшилангиз, сифатини оширингиз!

78. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

79. Транспорт ходимлари! Транспортни замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, юк ташиш таннархини камайтирингиз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

80. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

81. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Колхоз ва совхозлар экономикасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш — бутун партиянинг, бутун халқнинг иши! Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ишлаб чиққан энг зарур чораларни амалга ошириш учун қунт билан курашингиз!

82. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини муваффақиятли бажарган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига шон ва шарафлар!

83. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини оширингиз, фан ютуқлари билан илғор тажрибани ишлаб чиқаришга тинмай жорий қилингиз!

84. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, ҳар бир колхоз ва совхознинг рентабелли бўлишига эришингиз!

85. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Маҳаллий ва минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланингиз, қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигини оширингиз!

86. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини ривожлантирингиз! Ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз, ем-хашакдан рационал фойдаланингиз!

87. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини мустаҳкамлангиз! Қишлоқ хўжалик артели ишларини идора қилишда актив қатнашингиз!

88. Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашингиз! Техникани яхшилаб ўрганингиз, ундан унумли фойдаланингиз ва уни авайлаб сақлангиз!

89. Қишлоқ хўжалик фани ходимлари! Практикани янги кашфиётлар ва ютуқлар билан бойитингиз, колхоз ва совхозлар билан ҳамиша мустаҳкам алоқада бўлингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшингиз!

90. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Савдони ва умумий овқатланишни такомиллаштирингиз, аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

91. Маиший хизмат ходимлари! Совет кишиларига хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилангиз, уларнинг талабларини тўлароқ қондирингиз!

92. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишни яхшилангиз! Бюрократизмни таг-томири билан йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!

93. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

94. Космик фазони ўзлаштиришда янги уфқлар очган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

95. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Совет халқи қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлиги ва гўзаллигини, коммунистик идеалларнинг ғалабаси учун олиб борилаётган курашни ёрқин акс эттирингиз!

96. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Меҳнаткашларни марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда партияга актив ёрдам берингиз!

97. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитишни такомиллаштирингиз, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтирингиз, ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

98. Медицина ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз! Совет кишисининг саломатлиги учун курашингиз!

99. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз! Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин, мамлакат ишларини идора қилишда меҳнаткашларнинг активлиги ўса берсин!

100. Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

101. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Она бўлиб болаларни тарбиялаётган, ишлаб чиқаришда ва рўзғорда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган аёлларга шон-шарафлар!

102. Меҳнат ва уруш ветеранлари! Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ёшларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат традициялари асосида тарбиялашда актив қатнашингиз!

103. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — ленинчи комсомол!

104. Йигит ва қизлар! Билимларни сабот билан эгаллангиз, коммунистчасига ишлаш ва яшашни ўрганингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

105. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Яхши ўқингиз, меҳнатни севингиз ва хурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

106. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

107. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси — ер юзида тинчлик ва ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

108. Яшасин партия билан халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

109. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

110. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

111. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

112. Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

